

ПРОКУРАТУРА ОРГАНЛАРИНИНГ РАҚАМЛИ ТРАНСФОРМАЦИЯСИ: МУАММО ВА ЕЧИМЛАР

Хуқуқни муҳофаза қилиш Академияси мустақил изланувчиси
Миршод Бобоев

Аннотация. Мақолада прокуратура органлари фаолиятига ахборот технологияларини жорий этиш борасида амалга оширилган ишларнинг қисқача таҳлили, шунингдек, қонунлар ижроси устидан бир хил назоратни амалга оширишда рақамлаштиришнинг ўрни ҳамда рақамлаштириш босқичларида туб ижобий ўзгаришларни таъминлаётган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг моҳияти ёритилган. Шу билан бирга, рақамли трансформациянинг аҳамияти, янги технологияларни жорий этиш зарурияти асосланган.

Таянч сўзлар: прокуратура органлари, рақамли трансформация, ахборот тизимлари, интеграция, концепция, стратегия, Big Data ва сунъий интеллект технологиялари, малакали кадрларни тайёрлаш, модернизация.

Маълумки, рақамлаштириш ахборот технологияларини жорий этиш кўлами билан чамбарчас боғлиқдир. Шу ўринда, трансформация албатта ташкилий ва стратегик ўзгаришларни тақозо этади.

Айни пайтда, бутун дунё рақамли технологиялардан фойдаланган ҳолда янгича иш услубига ўтиш, янги ахборот ва коммуникацион технологиялар ёрдамида ташкилий жиҳатдан янгилашга эътибор қаратмоқда ва ижтимоий ҳаётнинг барча жабҳаларини рақамлаштиришнинг янги босқичларига шиддат билан ўтмоқда.

Ахборот инсон, молиявий ва моддий ресурслар билан бир қаторда муҳим стратегик, бошқарув ресурсига айланди. Инсон фаолиятини ҳар қандай соҳасидаги бошқарувнинг асосида эса, “ахборот олиш” ташкил этмоқда¹.

Шу билан бирга, бошқарув қарорларини қабул қилишда тўлиқ, сифатли ва ишончли маълумотларни олиш борган сари қийинлашиб бормоқда. Шубҳасиз, бу

¹ Ш.И. Норгитов, Д.Н. Саттаров Ички ишлар органлари рақамли трансформация йўлида: муаммолар ва ечимлар. Суд ва хуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолиятида рақамлаштириш. 2021. Б. 70.

муаммони ахборот технологияларини жорий этиш ва ривожлантириш орқали сифатли ҳал қилиш мумкин.

Ҳуқуқни рақамли технологиялар нуқтаи назаридан ривожлантириш ҳозирги куннинг энг долзарб масаласи бўлиб, кўплаб олимлар томонидан ушбу йўналишда тадқиқотлар олиб борилмоқда.

Ҳуқуқни муҳофаза қилиш фаолиятини рақамлаштиришнинг имкониятлари, далил ҳуқуқида рақамлаштириш масалалари, одил судловда сунъий интеллектдан фойдаланиш, жиноий ишларни рақамли платформа орқали тергов қилиш истикболлари бўйича кўпгина тадқиқотлар ўтказиб келиниб, олимлар ўртасида ушбу масалалар кенг муҳокама қилинмоқда².

² Т. Вилкова, Л. Масленникова, Жиноят процессида қонунийлик ва бирлаштириш: процессуал ҳужжат шаклларида электрон жиноят ишига, Вестник Пермского Университета 4 (2019) 728-751 бб.; Л. Масленникова, Т. Вилкова, Адлияга киришни таъминловчи етакчи омил сифатида рақамли алоқаларни ривожлантириш: Ижтимоий, иқтисодий ва академик етакчилик бўйича 6-халқаро конференция материаллари, Атлантис Пресс, 2020, 422-431 бб.; О. Зайцев, П. Пастухов, Шаклланиш ёки рақамли трансформация даврида жиноятларни тергов қилишнинг янги стратегияси, Вестник Пермского Университета (2019) 752-777 бб.; О. Гладышева, Р. Костенко, В. Семенцов, Рақамлаштириш: Жиноят процессида ахборотдан фойдаланиш ва ҳимоя қилиш муаммолари. Спрингер 2019, 395-401 бб.; К. Таболина, В. Таболин, Рақамли алоқаларнинг етакчи ривожланиши контекстида жиноий процессда прокурор назорати: Ижтимоий, иқтисодий ва академик етакчилик бўйича 6 халқаро

Давлатимиз раҳбари Ш.Мирзиёев раҳбарлигида 2020 йил 22 сентябрь куни ўтказилган видеоселектор йиғилишида ҳам бутун дунёда рақамли технологиялар барча соҳа ва одамлар ҳаётига жадал кириб бораётганлиги, бу йўналишга ўз вақтида киришган давлатлар ривожланиб, аксинча, эскича ишлаганлар тараққиётдан орқада қолаётганлиги ҳақли равишда эътироф этилди.

Чиндан ҳам, ҳозирги кунда мамлакатимизда рақамлаштириш миллий иқтисодиётимизнинг барча тармоқлари ва соҳалари каби суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг ривожланиши ва тараққий этишида асосий омилга айланмоқда. Шу билан бирга, ушбу йўналишда ҳали кўплаб тадқиқотлар ўтказишимиз ва соҳани такомиллаштириш бўйича муайян ишларни амалга оширишимиз лозим.

Зеро, Янги Ўзбекистон шароитида рақамли иқтисодиётимиз “Давлат – инсон учун” тамойили асосида, асосий эътиборни, давлат бошқарувининг устувор йўналишлардан бири сифатида жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш фаолиятида ахборотни ўз вақтида олиш, ундан тўлиқ ва самарали фойдаланиш механизмларини жорий этишга қаратмоқда³.

Албатта, рақамлаштириш жараёнида манфаатдор идоралар билан бир қаторда прокуратура органлари фаолияти ҳам тараққиётимизнинг тарихий жараёнидан четда қолмаслиги зарур.

Шу боис ҳам қонунларнинг бир хилда ижро этилиши устидан назоратни амалга ошириш борасида прокуратура органлари зиммасига юклатилган

конференция материаллари. Атлантис Пресс, 2020, 376-381 бб.; В. Григорев, А. Суходолов, С. Ованесян, М. Спасенникова, В. Тюнков, Рақамли ахборот платформалари жинойи процессуал соҳада норматив-ҳуқуқий тартибга солиш объекти сифатида, Россия криминология журнали 6 (13) (2019) 45-78 бб.

³ 2022 – 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясини “Инсон кадрини улуғлаш ва фаол маҳалла йили”да амалга оширишга оид Давлат дастури.

вазифаларни самарали ижро этишда соҳага замонавий ахборот-коммуникация технологияларини кенг татбиқ этиш тақозо этилади.

Айтиб ўтиш лозимки, Ўзбекистон Республикаси прокуратура органларида рақамли трансформацияни амалга ошириш бўйича бир қатор ислоҳотлар амалга оширилди.

Бироқ, амалга оширилган ишлар билан бир қаторда ҳал қилиниши керак бўлган қатор масалалар мавжуд.

Хусусан:

- электрон шаклда қабул қилинган муурожаатлар улуши пастлигича қолмоқда;

- муурожаатларни кўриб чиқишда, суриштирув ва дастлабки тергов юритишда, эскирча ёндашув асосида фойдаланиб келинмоқда;

- суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ўртасидаги электрон ҳамкорлик талабга жавоб бермайди;

- жинойт ишлар юритуви рақамлашмаган, тергов устидан реал вақт режимида назорат қилиш имконияти мавжуд эмас;

- давлат органларидан зарур маълумотларни тезкорлик билан олиш даражаси паст;

- прокурор назорати анъанавий усулда олиб борилмоқда.

Умуман олганда, суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларда ахборот-коммуникация технологияларининг кенг жорий этилиши фаолиятда очиклик, тезкорлик ва шаффофликни таъминлаш, фуқаро ва тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқи ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш кафолатларини кучайтириш имконини яратади.

Бироқ, прокуратура органлари зиммасидаги вазифаларни, шунингдек кундалик ҳаётимизда юзага келаётган муаммоларни ўз вақтида ҳал этишда ҳали-ҳануз етарли эмас.

Замонавий талаблар заминида прокуратура органлари фаолиятини янги рақамли технологиялар асосида мақбуллаштириш, ташкилий-функционал тузилма ва иш методикасини тубдан замонавийлаштириш, идоралараро электрон ҳамкорликнинг ўзига хос хусусиятга эга бўлганлиги боис, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолиятини рақамлаштириш уйғун ва мутаносиб тарзда амалга оширилишини тақозо этмоқда.

Бундан ташқари, прокуратура органлари томонидан давлат органлари ва идораларида қонунчилик ҳужжатларининг ижро этилиши бўйича ўтказилаётган текширишларда ҳужжатлар ва материалларни бевосита кўриб чиқиш етарли бўлмаяпти.

Аксинча, давлат органлари, корхоналари ва бошқа ташкилотларининг фаолияти йўлга қўйилган ахборот тизимларида сақланаётган маълумотлар ва ҳужжатларни таҳлил қилиш ҳамда ўрганиш заруратини юзага келтирмоқда.

Чунки, муайян вақт ичида прокуратура органларида рақамлаштириш бўйича салмоқли ишлар амалга оширилди, янги ахборот тизимлари яратилди, йиллар давомида анъанавий маълумотлар базаси рақамлаштирилди, аммо турли манбалардан шаклланган катта ҳажмдаги ахборотларни тезкорлик билан инсон омилисиз чуқур таҳлил этиш, марказлашган тарзда қайта ишлаш ва вазият ривожини прогнозлаш асосида куч ва воситаларни сифат жиҳатидан янги бошқариш амалиётига ўтишимиз зарур.

Шу боис, прокуратура органларини фаолиятини рақамлаштиришнинг янги босқичга олиб чиқиш мақсадида яқин ва узоқ муддатли стратегияни белгилаш мақсадга мувофиқ бўлади.

Мазкур стратегияда прокуратура органлари тизимида рақамли трансформацияни тадрижий ва изчил амалга ошириш учун қуйидагилар таклиф этилади:

– прокуратура органларининг қонун устуворлигини таъминлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларига, жамият ва давлатнинг қонун билан қўриқланадиган манфаатларига риоя этилишини назорат қилиш соҳасидаги фаолиятига ахборот тизимларини кенг жорий этиш;

– аҳоли, тадбиркорлик субъектлари, давлат органлари ва ташкилотлар билан электрон ҳамкорликни ривожлантириш;

– ҳужжат алмашинуви ва бошқа иш жараёнларини рақамлаштириш бўйича ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг ягона идоралараро ахборот тизимлари комплексларини ва бошқа зарур дастурий таъминотни яратиш, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар учун мессенжерни ишлаб чиқиш;

– иш жараёнларини электрон шаклга ўтказишда тартиб-таомилларни қайта кўриб чиқиш ва рақамлаштириш, ортиқча босқичларни чиқариб ташлаш,

шунингдек ҳужжат алмашинуви ва иш жараёнларини рақамлаштиришга қаратилган ахборот тизимлари комплексларини кенг жорий этиш;

– ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг ахборот тизимларида сунъий интеллект технологияларини жорий этиш;

– прокуратура органларининг назорат фаолияти бўйича ахборот тизимини жорий этиш;

– жиноят ишлари бўйича иш юритувни электрон шаклга ўтказиш, жиноят ҳақидаги ариза, хабар ва бошқа маълумотлар келиб тушганидан жазони ижро этишгача бўлган жараёнларни қамраб оладиган янги тизимни яратиш, уни суриштирув ва дастлабки тергов органларининг, судлар ва жазони ижро этиш муассасалари фаолиятига жорий этиш;

– ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг Ягона идоралараро интеграциялашув платформасини яратиш, уни бошқа ташкилотлар ахборот тизимлари билан интеграция қилиш;

– видеоконференцалоқа ва веб-технологиялар асосида прокурорларнинг судларда иштирокини таъминловчи тизимни жорий этиш;

– ахборотни сақлаш, қайта ишлаш ва ҳимоя қилиш механизмларини такомиллаштириш, ахборот инфратузилмаси ишончилигини таъминлаш, маълумотлар базаларини захиралаш, маълумотларни қайта ишлаш марказларини ривожлантириш;

– ахборот-коммуникация технологиялари ва кибержиноятчиликка қарши курашиш соҳасида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимлари учун ўқув курсларини ташкил этиш.

Юқорида назарда тутилган вазифаларни тўлиқ амалга ошириш мақсадида бир қатор рақамли платформалар яратиш мақсадга мувофиқ.

Хусусан:

ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларда мурожатларни электрон тарзда қабул қилиш ва кўриб чиқиш, уларни сунъий интеллект ёрдамида таҳлил қилиш, тақсимлаш, етказиб бериш, давлат органлари ҳамда ташкилотларга хат-хабарларни электрон шаклда юбориш, экстрадиция ҳужжатлари юзасидан электрон назорат ишини юритиш, қидирувдаги шахсларни ушлаш ва аниқлаш ҳолатлари рўйхатини шакллантириш, жиноят ишлари бўйича халқаро-ҳуқуқий

ёрдам кўрсатиш ҳақида келиб тушган ва юборилган сўровлар ҳисобини олиб бориш, Бош прокуратуранинг ҳуқуқий шартномалари ҳисобини юритишни назарда тутувчи ахборот тизимлари комплекси;

жиноят иши юритувини электрон шаклга ўтказиш, терговга қадар текширув, суриштирув ва дастлабки тергов босқичларида қонунларнинг ижро этилиши устидан назоратни рақамлаштириш, процессуал ҳаракатларни қайд этиб бориш, суриштирув ва дастлабки тергов органлари, прокуратура органлари, судлар ва жазони ижро этиш муассасалари билан ахборот алмашинувини таъминловчи дастурий таъминот;

республика ижро этувчи ҳокимият органлари ҳамда уларнинг мансабдор шахслари томонидан қонунларнинг ижро этилиши, шунингдек улар томонидан қабул қилинаётган ҳужжатларнинг Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунларига мувофиқлигини масофавий назорат қилиш, назорат объектларининг ахборот тизимларидаги статистик ва бошқа маълумотларни ўрганиш, судларда ишлар кўриб чиқилишида прокурорларнинг масофадан иштирок этишини таъминлаш, ходимларни хизматга қабул қилиш, улар меҳнат фаолияти бўйича ҳужжатлар ва маълумотларни электрон юритиш, прокуратура органларига тегишли автотранспорт воситалари ва бошқа моддий ашёлар бўйича ҳужжатлар ва маълумотларни электрон юритишни назарда тутувчи ахборот тизимлари комплекси;

ишни судга қадар юритиш босқичида жиноятларга оид аризалар, хабарлар ва бошқа маълумотларни кўриб чиқиш ва жиноят иши бўйича суриштирув ва дастлабки терговни амалга ошириш учун зарур бўлган маълумотларнинг тезкорлик билан олинишини таъминлаш учун давлат органлари ҳамда ташкилотлар ўртасида тезкор ахборот алмашиш мақсадида ягона интеграциялашув платформаси.

Хулоса ўрнида шуни қайд этиш лозимки, фаолиятни рақамли трансформация қилиш пировард натижада қонун устуворлигини таъминлаш, фуқароларнинг ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларига ишончини мустаҳкамлаш ва уларнинг фаолияти самарадорлигини оширишга хизмат қилади.